

КУНЖУТНИ ЭКИШ МУДДАТИНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Б.С.Мамбетназаров., А.Б.Мамбетназаров., Ш.Қуанышбаева

Қорақалпоқ давлат университети

Қорақалпоғистон Республикаси туманлари бўйича кўп йиллик тупроқ балл бонитетлари ўзгаришини ўрганганимизда, Орол денгизига яқин Чимбой тумани суғориладиган ерлари балл-бонитети кейинги ўн йилда 41-баллдан 39-баллга пасайган. Шу билан бирга кам шўрланган ерлар камайиб, ўртача ва кучли шўрланган ерлар майдонлари ортган. Демак, суғориладиган ерларни шўрланишини камайтирувчи агротехник тадбирлардан фойдаланиб, тупроқни ҳимояловчи ғўза қатор орасига ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий қилиш долзарб ҳисобланади.

Б.С.Мамбетназаров (69;13-б) томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий минтақаси тупроқлари сув-физик ҳоссалари ўрганилганда, қумоқ ва соз заррачаларининг (фракция) кўплиги ва ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги аниқланган.

Қ.Қосназаровнинг (2007) маълумотлари бўйича қуриган Орол денгизи ўрnidан йилига 800-1000 кг/га тузлар келиб тушиши аниқланган.

Қорақалпоғистон ҳудудидаги тупроқларнинг ўзига хос агрофизикавий, агрокимёвий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли тупроқни ҳимояловчи ва унумдорлигини оширишни таъминлашга қаратилган агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ер шарининг учдан икки қисми сув билан қопланган бўлса-да, унинг 97,5 фоизи шур сувлар булиб, ишлатишга яроқсиздир. Қолган 2,5 фоизи чучук сув ресурсларини ташкил этиб, унинг 79 фоизи абадий музликлар, 20 фоизи ер ости сувлари, 1 фоизи эса дарё ва кўллар ҳиссасига туғри келади.

Маълумотларга қараганда дунё аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшайди. БМТ экспертлари томонидан 2030-йилга бориб Ер шари аҳолиси 8,6 миллиардга, 2050-йилда эса 9,8 миллиардга етиши башорат қилинмоқда. Табиийки, инсоният кўпайган сари сувга бўлган талаби ортиб боради.

Океан ва йирик денгизлардан анча олисда, қурғоқчил минтақада жойлашган Ўзбекистон учун ҳам сув ресурсларининг аҳамияти бениҳоя катта. Мамлакатимизда фойдаланадиган сув ресурсларининг 80 фоизга яқини (тахминан 41,5км³/йил) қушни Республикалар ҳудудидаги музликлар ҳисобига шаклланади. Глобал иқлим ўзгаришлари сабабли Тожикистон Республикасидаги мавжуд 8 мингдан ортиқ музликлар майдонининг 30 фоизи, Қирғизистондаги 10

минг га яқин музликлар майдонининг 16 фоизи эриб кетган. 2030-йилга бориб музликларнинг майдони яна 15-20 фоизга эриб кетиши башорат қилинмоқда.

Шу билан бирга, сўнги пайтларда минтақамизда сув кам бўлган йиллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Агар 2000-йилларга қадар ҳар 6-8 йилда сув танқислиги такрорланган бўлса, кейинги вақтларда бундай ҳолат ҳар 3-4 йилда кузатилмоқда, бундан кўринадики, сувнинг ҳар томчисидан оқилона ва унумли фойдаланиш буйича бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2015-йилда Ўзбекистон бўйича умумий сув танқислиги 3км^3 ни ташкил этган бўлса, 2030-йилга бориб 7км^3 , 2050-йилга қадар эса $11-13\text{км}^3$ га етиши мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бунда тежамкор, тупроқдаги намликни сақлаш бўйича замонавий ва инновацион технологияларни амалиётга кенг тадбиқ этиш орқали қишлоқ хўжалиги экинлардан мўл ҳосил етиштириш ва озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикасига Амударёнинг суви беш мамлакатга тақсимлангандан сўнг келади, агар сув танқислиги йиллари, Амударё ўрта қисми суғориладиган ерлари 15-17 % кам сув олган бўлса, Қорақалпоғистон Республикасига 36-55% кам сув олишига тўғри келади. Бу ҳолат сув истеъмолчилари уюшмалари бўйича муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Канал боши ерларига сув меъёрида тақсимланмаса, канал охиридаги СИУ ва унинг таркибига кирувчи фермер хўжаликлари ерларида сув танқислиги кузатилади. Сабаби канал бошидаги фермер хўжаликлари сувни кўп олиш мақсадида зироатлар таркибига сувни кўп талаб қилувчи экинларни киритади.

Қорақалпоғистон Республикасини Амударё сувидан фойдаланиш бўйича учта минтақага бўлиш мумкин:

1. Амударёнинг ўнг соҳили «Дўстлик» канали-Нукус туманини, «Кегейли» канали Чимбой ва Кегейли туманларини ва «Қуаниш жарма» канали Қораузьяк ва Тахтақўпир туманларини сув билан таъминлайди.

2. Амударёнинг чап соҳили «Суенли» канали -Хўжайли, Шумонай, Қанликўл ва Қўнғирот туманларини сув билан таъминлайди.

3. Пахтарна канали орқали – Тўрткул, Эллиққала, Беруний ва Амударё туманлари сув билан таъминланади.

Кўп йиллик маълумотларига кўра Амударёда дарё суви сифатининг ёмонлашмоқда. Дарё суви сифатининг ёмонлашишига асосий икки омил сабаб бўлмоқда.

Биринчи омил-Амударёга оқим бўйлаб кўп сонли зовурларнинг сувларини оқизилиши. Масалан, биринчи омил бўйича Тожикистон ва Туркменистон

Республикалари ва мамлакатимизнинг жанубий вилоятларининг суғориладиган ерлари зовурларидан ҳар йили ўртача 10 км³ сув дарёга ташланмоқда.

Иккинчи омил-Амударё суви миқдорининг камайишидир.

Қорақалпоғистон Республикаси туманларида йилига ҳар гектар ерга 800 дан 1000 кг гача тузлар келиб қўшилади, натижада суғориладиган ерларнинг 75-80% турли даражада шўрланган бўлиб, тадқиқотларда кучсиз шўрланган майдонларда пахта ҳосили 25-30%, ўртача шўрланган майдонларда 40-50%, кучли шўрланган майдонларда эса 80% гача камайиши аниқланган.

1-жадвал

Амударё ва суғориш каналлари сувининг сифати

Объектлар	Умумий таҳлиллар сони	ГОСТга мос келиши	%га мослиги
сув танқис келган йилларда			
Амударё	36	10	33,4
Кегейли	36	8	26
Ички хўжаликлараро ариқлар	36	6	20
сув мўл йилларда			
Амударё	25	21	81,0
Кегейли	25	18	69,0
ички хўжаликлараро ариқлар	25	17	65,6

Сув муаммолари илмий-тадқиқот институти “Сув ресурсларини муҳофаза қилиш” бўлими маълумоти бўйича Амударё сувлари шўрланиш даражаси 1г/л дан ортиқ бўлмаган даражада чегаралаб туришга мўлжалланган сув сифати маълумоти ва сув муҳофазаси мажмуавий тадбирлари ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қурбонова О.Ҳ, Исаев С.Х, Азизов Ш.Н, Базарбаев Б.А. Жанубий ҳудудда кунжутнинг Ташкенцкий-122 навини етиштиришнинг дон ҳосилдорлиги башорати Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллентуал мулк агентлиги № ДГУ 12626, 11.10.2021- йил.

3. Қурбонова О.Ҳ. Кунжутни экиш муддатининг ўсиши ва ривожланишининг ҳосилдорликга таъсири // Science and innovation international scientific journal volume 1 issue 7 uif Tashkent -2022: 8.2 | issn: 2181-3337. 220-224.

4. Қурбонова О.Ҳ. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида кунжутнинг суғориш меъёрининг дон ҳосилдорлигига таъсири “Ўзбекистон жанубида экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йетиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг долзарб муаммолари” республика илмий техник анжумани. Қарши, 2022 йил май, 325-328 бетлар.